

СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ ВА ЖАНГЧИЛАРНИ ПСИХОЛОГИК ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ЖИҲАТЛАРИ

Эгамов Элнур Эсон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси

Миллий ифтиҳор ва ҳарбий ватанпарварлик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг руҳий олами ва жангчиларни психологик қўллаб қувватлаш жиҳатлари, Амир Темурнинг инсоний фазилатлари шунингдек буюк саркарда ўз жангчиларини ҳар томонлама чиниқтириш бўйича қилган ишлари ва ушбу йўналишда эришган ютуқлари бўйича маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: Ҳарбий санъат, руҳий қўллаб-қувватлаш, жасурлик, ботирлик, Амир Темур ҳарбий стратегияси, қатъий интизом, ирода, жанговар руҳий ҳолати, жисмоний машқулар, чиниқтириш, соғлом, чидамли.

Ҳарбий санъат тарихида қўшинда жангчиларни руҳий қўллаб-қувватлаш, уларда жасурлик, ботирлик ва мардлик каби иродавий сифатларни мустаҳкамлаш шу билан бирга, душман жангчиларининг руҳий ҳолатини пасайтириш масаласи муҳим ҳисобланган. Инсоният пайдо бўлибдики, тарих санасига келиб-кетган турли тоифадаги фотихлар, саркардалар, давлатбошилар, сиёсий арбоблар, бир сўз билан айтганда тожу тахт ва салтанат соҳибларининг сон-саноғи йўқ. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, у ёки бу тарздаги намоёндалари, тарихда из қолдирган буюк шахслари бўлади.

Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳарбий стратегияда ахлоқий-руҳий омилдан моҳирлик билан фойдаланган. Соҳибқирон “Куч билан бирни, ақл ва қатъият билан мингни енгиш мумкин”лигини ўзининг саркардалик фаолияти давомида исботлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Шавкат Миромонович Мирзиёев бежизга “Мен ҳар бир аскар, Ватанинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуг лашкарбошиларимиз ўғитларини, уларнинг ҳарбий меросини чукур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғуур баҳш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради” деб таъкидламаган¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Армия фақат қурол ва аслаҳа билан эмас, она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар билан қудратлидир.

Амир Темур ўзининг армиясида қатъий интизомни ушлаб туриш натижасида юксак ғалабаларга эришган. У жангчиларининг жанговар руҳий ҳолатига катта эътибор бериб, қўшинларининг тайёргарлиги тизимида турли хил мураккаб психологик ва ахлоқий усусларни қўллаган. Шунингдек, ўз қўшинларида ахлоқий-руҳий тайёргарликни ташкиллаштиришда жангчиларни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган кураш тушиш, ов қилиш, от чоптириш, камондан отиш каби мусобақа ва ўйинларни уюштирган. Бу тадбирлар ҳарбий-музиқий дасталарнинг сурнай, карнай, ноғора, довул каби мусиқий асбоблар садолари остида олиб борилган. Жангларда мусиқий асбобларнинг гумбургумбур овозларидан ва жангчиларнинг ҳайқириқларидан самарали фойдаланилган.

Тарихий маълумотларга кўра, айрим ҳолларда айик, шер, йўлбарс, сиртлон ови жангдаги ҳолатдан мутлақо фарқ қиласди. Ҳар бир ҳарбий бошлиқ тўқай ёки чўлда ўз ҳарбий бўлинмаси билан йиртқичлар тўдасини ўраб оларди. Худди шу ерда ўраб олинган тўда қуршовга олиниб, уларнинг худудий майдони доиравий сиқувга олиниб, бирор йиртқич чиқиб кетишига йўл қўйилмаган. Доира тобора торайтирилиб, темир совут, дубулғалар кийилиб йиртқичлар билан баҳодирларнинг яккама-якка ёки гуруҳ-гуруҳ олишувни ўтказилган. Баҳодирларга ўзи ғолиб чиқсан шер, айик, сиртлон мукофот қилиб бериларди ва бу мукофот жангчи учун энг зўр соврин ҳисобланган.

Амир Темурнинг еттинчи бобоси Қорачар нуён тинчлик давларда ҳоқон топширифи билан бош қўмондон сифатида қўшинни чўл ёки дашт кенгликларига олиб чиқсан. 200-300 километрли майдонда минглаб гуруҳ йиртқичлар подаси қуршаб олиниб, бир жойга тўпланган. Биринчи бўлиб олишувни жасур баҳодирлар бошлаб берган. Шер, айик, йўлбарс билан олишиб ғолиб чиқсан баҳодир бош совринни ҳоқоннинг, яъни олий бош қўмондоннинг қўлидан қабул қилиб олган². Шуниси дикқатга сазоворки, бу жанговар ов усулидан Чингизхон ҳам фойдаланган.

Кейинчалик Амир Темур бундай жисмоний машқларга алоҳида аҳамият бериб, ўз армиясини, вазият тақозоси билан, турли мусобақа ва ўйинлар ўтказиб чиниқтириб борган. Натижада у турли шароитларда, иссиқ-совуқни писанд қилмай, чўлу-биёбонларда ҳам, тоғу-тошлоқларда ҳам жанг қила оладиган қўшин тузди. У яратган қўшиннинг олиб борган жанглари ҳақидаги тафсилотлар ҳамда ҳарбий стратегия ва тактикада қўллаган усуслари ҳақида ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар, миниатюра асарларидағи тасвирлар, шунингдек археологик қазишималардан топилган ашёвий далиллар ёрдамида ўрганилган. У

² Раҳимов Ж. Амир Темур. Адолат ва құдрат тимсоли. Илмий-тарихий китоб. Т-2017.

ёшлигидан соғлом, оғирчиликларга чидамли бўлиб ўсган ва ўз замондошларини, айниқса тенгқурларини ўзининг жисмонан бақувватлиги билан лол қолдирган.

Тарихий маълумотларга қараганда у туғилган жой Хўжа Илгор қишлоғидаги Хўжа Илгор ота қабристонида бир суфа устида “полвонтош” номи билан аталувчи бир тош сақланайтган бўлиб, бироз чуқурроқ тўртбурчак шаклда эмиш. Унинг оғирлиги 6 пудча (96 кг) бўлиб, Амир Темур ёшлигига шу тошни кўтариб машқ қиласар экан. Қишлоқ аҳлининг айтишларича бундай оғир тошни фақат кўнгли покларгина кўтара олар эмиш³.

Амир Темур ва темурийлар давридаги машғулотлардан кураш, от пойгаси, камон отиш машқи ўйини қаби ҳам кўнгилочар, ҳам спорт билан боғлиқ ўйинлар мухим рол ўйнаган.

Бу даврда кенг авж олган спорт турларидан яна бири чавгон ўйинларири. Бу қаби спорт билан шуғулланиш учун маҳсус майдонлар (ўйингоҳлар) бўлган. Ана шундай ўйингоҳлардан бири Самарқандда Афросиёб харобалари ёнбағрида жойлашган Боғи Майдон номи билан машҳур бўлган. Бу майдоннинг бир чеккасида Улуғбек даврида “Чилустун”, “Чиннихона” номли саройлар қад кўтарган.

Амир Темур фаолиятидаги ўйинлардан яна бир тури бу унинг шодлигига ҳам, ранжиган пайитларида ҳам, бирор ишга қўл уришдан аввал ҳам, фикрини пешлаб олиш мақсадидаги севган ўйини шатранж (шод+ранж) ўйини бўлган.

Шатранж атамаси арабча сўз бўлиб, форс тилида шоҳмот (шоҳ ўлди ёки таслим бўлди) деб аталган. Ўзбекистон худудида кенг оммалашган бу ўйин қадимий бўлиб, уларнинг доналари кўплаб археологик қазишишмаларда топилган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлиги қатламларидан 2 минг йил муқаддам фил суюгидан ишланган, чўккалаб турган фил тасвирили шахмат донаси⁴, Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлигидан эса VIII асрга оид 8 та ўйиб ишланган шахмат доналари топилган⁵.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ноёб инсоний фазилатларнинг тенгсиз намунаси сифатида шуҳрат қозонган улуғ зот, буюк давлат арбоби, жаҳон тарихи ғилдирагини айлантиришга қодир қудратли хукмдор, инсон руҳиятининг чуқур билимдони, тадбиркор саркарда, кенг қамровли тафаккур соҳиби, адолат, илм-фан, маърифат ва маданият ҳомийси сифатида ажралиб туради. Улуғ ва муҳтарам зот ҳамиша миллат қайғуси, халқ дарди, Ватан изтироби билан яшаган. Буюклик эса фақат буюк қалбдан акс-садо беради. Ана шу эзгу ҳислардан бегона бўлган

³ Улашова С. Хўжа Илгор тарихи. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2006.

⁴ Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставок в двух книгах. – М., 1991. книга 1. – с. 128.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Армия фақат қурол ва аслаҳа билан эмас, она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар билан қудратлидир.

қалб эса бекадр ва ўткинчидир. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқилганда бугунги авлод Истиқлол ва Амир Темур, Ватан ва Миллат, Озодлик ва Соҳибқирон тушунчаларини муштарак ҳолда ҳис этмоғи лозим.

Амир Темур шахсининг улуғлиги ва ўзига хослиги ҳақида Жаҳон тарихи сахифаларида ўз аксини топган турли мазмун ва кўринишдаги солномалар, тарихномалар, қўллётмалар, ёдномалар, «кундаликлар» ва бошқа кўринишдаги ёзма ёдгорликлар ҳам табиийки буюк Соҳибқирон бобомизнинг нафақат ташки, балки, ички руҳий олами хусусида ҳам бой маълумотлар беради.

Академик Бартольд ёзишича Амир Темурнинг қувваи-ҳофиаси - хотира қобилияти ҳам ниҳоятда кучли бўлган, ўз она тили турк-ўзбек тилидан ташқари форс-тожиқчани ҳам мукаммал билган.

Амир Темур салтанатида ўз мансабини сунстеъмол қилиш, ўғри-талончилик, ришват (пораҳўрлик), ичкиликбозлик, майший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб, бу иш билан машғул бўлган, эътироф этиш жоизки, ҳатто ўз фарзандлари, набиралари бўлса ҳам қаттиқ жазолангандар.

Амир Темур ҳазратлари уз замонасида барча илм кишиларига, дин ҳомийлари ҳамда камбағал, етим-есирларни ўз мурувватига олган. Унинг руҳий оламини асосан - давлат тинчлиги ва барқарорлиги, мамлакат ободлиги ва ривожи, фуқароларнинг адолатли замонда, дориламонликда умр кечиришлари учун курашган инсон каби бебаҳо хислатлар безаб туради.

Соҳибқирон ҳамиша ўйлаб, шошмасдан бир қарорга келадиган, бир неча имкониятлардан бирини танлаб оладиган, мулохазакор, юксак ғоявий ақидаларга асосланиб иш кўрадиган қатъий характерли раҳбар эди.

Соҳибқироннинг ирода кучи ва қатъияти ўзини тута билишида, жасурлигига, матонатида ва чидамлилигига кўпроқ намоён бўлади. Қабул қилган қарорни буйсунувчилар томонидан бажармаслик, бажариш муддатини пайсалга солиш, бошлаган ишни охирига етказа олмаслик унинг руҳиятига, характерига тамомила зид нарса эди.

Соҳибқирон руҳиятида ҳам ёшлигидан сабот-матонат, жасурлик, чидам, аник мақсадга интилиш, дадиллик, ботирлик, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, ўзига нисбатан талабчанлик, керак пайтда ўзини тута билиш каби туйғулар ўз устида мураккаб, давомли, баъзан жуда қийин, лекин жуда жиддий иш олиб бориши натижасида йил сайин такомиллашиб борган. Шунинг учун ҳам Соҳибқироннинг руҳий матонати оний мақтовларга муҳтож эмас.

Психологияда ўзини тута билиш дегани юксак баҳоланади. Ўзини тута билиш давлат раҳбарининг қалтис пайтларда ўзини идора қила олиши, ўзини қўлга ола билиши, олдига қўйган мақсадларга етишувига тўсқинлик қилувчи, иродасини бўшаштирувчи ички ҳолатларни енгишда қўринадиган кучли руҳий матонатдир. Бўшаштирувчи ҳолатларга қўрқиши, ўз кучларига ишонмаслик,

қайгуриш ҳисси, қўйилган мақсадларга қарама-қарши бўлган ғайри ихтиёрий ҳаракатлар киради. Аммо довюрак, қўрқмас кишиларнинг шахс сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у ўзидаги ана шу салбий ҳолатларни руҳий ирова кучи билан енгиб ўта олади. Ўзини тута билиш, довюраклик, шижаат, вазминлик киши ҳарактерининг хислати бўлиб, бу сифатлар Соҳибқироннинг ёшлик йилларидаёқ руҳиятида мавжуд эди.

Руҳшунослик бўйича анчагина маълумоти бўлган ёш Амир Темур ўз жангчиларининг маънавий хислатларини, руҳий ҳолатларини яхши тушунар эди ва шунга қараб уларга муомала қиласади. Масъулиятли ва муҳим вазифаларни ҳар қандай бир жангчига топширмай, балки шу вазифани бажариш учун тегишли маънавий, руҳий-ахлоқий қобилиятга эга бўлган жангчиларгагина топширасади. Соҳибқирон жангнинг ҳал қилувчи ва масъулиятли пайтлари ҳам жангчиларнинг психолого-руҳий ҳолатларини ҳисобга оларди. Уларни руҳлантириш учун шароитга мувофиқ чоралар билан таъсир этар ва ўзи ҳам уларга ибрат қўрсатар эди. Мана шу хилдаги психолого-муомала туфайли у жангчиларнинг руҳини қўтариб, уларни келажақдаги зафарлар сари илҳомлантирасади. Ёш аскарларни ўқитиш, жангга тайёрлаш соҳасида жангчининг руҳий ҳолатини билиш нақадар катта аҳамият қасб этишини яхши ҳис этарди. Шунинг учун мақсадни англаш, жанг натижаларини олдиндан тасаввур этиш, кун сайин билим ва маҳоратни орттириб бориш, буларнинг ҳаммаси Соҳибқироннинг руҳий туйғулари доирасида бошқариларди.

Ҳар бир инсон хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи бир куч борки, унинг номи - эътиқоддир. Соҳибқирон Амир Темурнинг эътиқодлари эса худди Баҳоуддин Нақшбанд эътиқодлари каби ислом эди. Ўша вақтдаёқ қўйилган муқаддас муаммо жамиятнинг маънавий қиёфаси қандай шаклланади? Унга кўпроқ раҳбарнинг қайси тадбиркорлиги таъсир қўрсатади.

Шу хусусда сўз борганда дастлаб кўз олдимизга рағбарнинг руҳий кудрати ва маънавий қиёфаси келади. Тарихнинг турли чорраҳаларида одамлар кўплаб раҳбарлар билан мулоқотда бўладилар, иш битирадилар, маслаҳат, йўл-йўрик оладилар. Уларга йўл-йўриқ қўрсатувчи, ҳомийлик қилувчи раҳбар кимнинг манфаатини устувор қўйишига, муаммоларини қандай ҳал қилишига, унинг кимлиги, маънавий даражаси, тадбиркорлиги, раҳбар сифатидаги қобилиятига қараб баҳо берилган.

Ушбу даврда қўшинларга ёши ўтиб хизматдан озод қилинган кекса жангчилар ўз вилоятлари ҳарбий девон ёки тавочилари ихтиёрига жўнатилиб, маҳаллий ҳокимиёт тизимларида жангчиларни жанговар руҳда тайёрлашда уларнинг тажрибалари, жанг маҳоратларидан фойдаланиш, уларни доимо моддий ҳомийлик назоратига олиш тўғрисида қўрсатмалар берилган. Натижада давлатга фидойи хизмат қилган инсонлар давлат ва жамият ғамхўрлигини доимо

ҳис қилиб ҳаёт кечирдилар. Шу тариқа Амир Темур кекса жангчи ва саркардалар иззат-хурматини ўз ўрнига қўйди, уларнинг оиласлари қашшоқлик кўрмай ҳаёт кечирдилар.

Эрк учун тўкилган қонлар қутлуғдир, замин юрагига бағишилар ҳаёт.

Курашиб олинган шонлар улугдир, шонли инсонларни олқишилар ҳаёт.

Гувоҳи бўлиб турибмизки қўшин ҳар қандай замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланган бўлиши мумкин. Бироқ қўшиннинг жанговар руҳни кўтариш, уни қўллаб қувватлаб туриш жангларнинг тақдирини ҳал қилиб келган. Ҳарбий хизматчининг жанговар руҳий ҳолатини ошириб бориш ҳар доим долзарб вазифа эканлигини унутмаслигимиз лозим. Жанговар рух ҳолатини кўтаришда ҳарбий хизматчининг саломатлигига, касбий маҳоратига, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларидағи фаол иштирокида, жисмоний юкламаларни қабул қила олишида, ижтимоий ҳимоя қилинганлиги доим ҳис қилиб туришида қўриниб туради.

Хулоса қилиб айтганда, соҳибқирон Амир Темур жаҳон тарихида кам учрайдиган, узоқни кўрувчи, кенг фикрловчи, табиатан оғир-босиқ, чуқур билим, юксак тафаккур эгаси эди. Ҳаётий тажрибалар ва ўтмишнинг ҳарбий соҳаларини пухта эгаллаган Амир Темур ўз даврининг етук ҳарбий қўмондони, саркарда сифатида тарих майдонига чиқди. Бундай мураккаб вазиятда ижтимоий-сиёсий келишмовчиликларни бартараф этиб, барча жараёнларни ўз измига бўйсундириб, қудратли ва йирик армия тузиш орқали улкан салтанат барпо этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жумабой Раҳимов “Ўқитувчи” Нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент – 2017 “Адолат ва қудрат тимсоли”.
2. Темур тузуклари Тошкент “Ўзбекистон” 2016.
3. 1. Буряков Ю.Ф. Шахматы древнего Афрасиаба. – Тошкент: “Санъат” журнали, 2000, №2. – 10 б.
4. Воробьев А. Тимур Великолепный // Вокруг света, №2, 2005. С. 45.
5. Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Тошкент: Мехнат, 1992. 1-жилд. – 86-87 б.
6. Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставок в двух книгах. – М., 1991. книга 1. – с. 128.
7. Мирзиёев Ш.М. Армия фақат қурол ва аслаҳа билан эмас, она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар билан қудратлидир.
8. Раҳимов Ж. Амир Темур. Адолат ва қудрат тимсоли. Илмий-тарихий китоб. Тошкент-2017. Б. 24-98.
9. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 13 б.
10. Улашова С. Хўжа Илғор тарихи. – Тошкент: ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2006. – 129 б.